

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, Н.ИКРАМОВА

Ядросида Мейер функцияси қатнашган каср тартибли интегродифференциал операторлар композициясининг бир хоссаси ҳақида 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.МИРЗАҚУЛОВ, Х.ШЕРМАТОВА, З.МУҚИМОВА

Физика ўқитувчисининг таълимга инновацион ёндашуви 8

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Д.КОМИЛОВА

Барг ўровчи құнғызлар (Coleoptera: attelabidae)нинг тарқалиши ва қисқача үрганилиш босқичлари 12

М.АҲМАДАЛИЕВ

Дифурфурилиденацитоннинг олигомерланиши.-I. 15

М.ИСМОИЛОВ, Х.ЖҮРӘЕВ

Қовушқоқликни оширувчи құндирмалар олиш 20

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

В.МАХМУДОВ

Кўп йиллик бошоқдош ўсимликларни Ўзбекистон адиrlарида интродукция қилиш 24

М.ҒОЗИЕВ

Беда остига солинган ҳар хил органо-кимёвий моддаларнинг тупроқдаги микробиологик жараёнларга таъсири 27

Ижтимоий-туманинтар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒАФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА

Қўшилган қийматни қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида шакллантириш хусусиятлари 30

О.ТЎЙЧИЕВА

Тўқимачилик корхоналарида лизинг муносабатларининг ривожланиш тенденциялари 33

Қ.ЮСУПОВ

Сурутанинг бозор иқтисодиётидаги афзаллиги ва самарадорлиги 36

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ

Ўзбекистонда таълим тизимининг тараққиёти ва самарадорлиги..... 40

Б.ТЎЙЧИЕВ, У.НАЗИРОВ

Фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида оилавий қадриятларнинг ўрни 45

Н.ПУЛАТОВА

Аҳолининг ижтимоий фаолиятида экологик маданиятни шакллантириш масалалари 49

Ф.ЮЛДАШЕВ

Фалсафада этика фанини ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари..... 52

Н.РАҲИМБАБАЕВА

Донишманлар масъулият ҳисси ҳақида 55

М.ЭРГАШЕВА

Совет ҳокимиияти даври (1919-1945 йй.)да архив ҳужжатларини жамлаш 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.АБДУРАҲМОНОВ

Қуёш образи ва унинг поэтик функцияси 63

ТИЛШУНОСЛИК

С.ҚУРБОНОВА

Лингвистик воситалар орқали шахс хусусиятларининг намоён бўлишига доир 66

УДК: 93/930.25

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА (1919-1945 йй.) АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЖАМЛАШ

М.Эргашева

Аннотация

Мақолада 1919-1945 йиллардаги архив соҳасидаги ўзгаришлар, истроҳотлар, архив ишига доир қонун ва низомларнинг қабул қилинганини ўрганилган. Унда архив ҳужжатларини Давлат ва маҳаллий архивларга жамлашини амалга ошириши ишлари фактлар асосида кенг ёритилган.

Аннотация

В статье на основе архивных документов освещены процессы изменения архивного дела в 1919-1945 годы, реформа, принятые законы и положения об архивах, комплектование архивных материалов в государственных и местных архивах.

Аннотация

In this article author on the base of archive documents, threw light the changes of archive case in 1919-1945 years, reforms received laws and regulations and setting archive materials to state and Local archives.

Таянч сўз ва иборалар: фонд, архив, жамлаш, ииғмажилд, низом, рўйхат, секция, воскресенск.

Ключевые слова и выражения: фонд, архив, комплектование, подшивка, устав, список, секция, Воскресенский.

Key words and expressions: fund, archive, consolidating, file, regulations, list, section, Voskresensk.

Мустақил Ўзбекистонда тарих фани олдига ҳодисаларни аниқ тарихий шароит билан тадқиқ қилиш, далилларни бутунлигича бир-бирига боғлай олиш, воқеаларни атрофлича, уларнинг ижобий ва салбий оқибатларини инобатта олган ҳолда ёритиш вазифаси қўйилмоқда. Тарих фанини тиклашда архив ҳужжатларининг аҳамияти бениҳоя катта. Ўзбекистон тарихига доир кўплаб воқеа ва ижтимоий ҳодисаларни фақат архив ҳужжатлари орқали билиш мумкин.

1917 йилги октябрь воқеаларига қадар ҳужжатлар ҳар бир идора ва ташкилотнинг ўзида сақланган. Архивлар тарқоқ ҳолда бўлиб, ҳужжатлар бир жойда йиғилмаган, марказлашмаган эди.

1919 йил 5 ноябрда Туркiston Республикаси Марказий Ижроия Комитети (МИК) томонидан “Архив ишини қайта қуриш ва марказлаштириш тўғрисида” қарор қабул қилинди. Бу қарорга асосан 1917 йил 25 октябргача бўлган барча ҳужжатлар Ягона Давлат Архив Фондига топширилиши белгилаб қўйилди [1.88].

Архив Ишлар Марказий Бошқармаси ва унинг тасарруфидаги маҳаллий органларнинг бош вазифаси архив фондларини аниqlаш ва жамлаш эди. Жойлардаги муассасаларнинг айланиш

жараёнида архив фондларини ҳисоблаш ва архивларни кўздан кечириш амалга оширилар эди. Бу йўналишдаги ишларни Боз архив томонидан Тошкентга юборилган бош инспектор Н.Н.Терновский ва ҳарбий бўлим мудири Зуевлар олиб бордилар [2.14]. Бу билан Туркistonнинг ҳукуқи, шубҳасиз, чекланди.

Совет идораларида ташкил бўлган ҳужжатлар ЯДАФнинг таркибий қисми, деб қайд этилган. Бу ҳужжатлар Архив Иши Боз Бошқармаси Маориф халқ комиссарлиги хузурида ташкил қилинган.

1920 йил март ойида Туркiston Маориф халқ комиссарлиги томонидан 5279 ииғмажилд, апрель ойида Самарқанд, Қўқон, Зарафшон ва Туркiston алоқа - телеграф муассасаларидан 40 та почта баулда ҳужжатлар, 25 майда Адлия Комиссариати Тошкент суд палатаси ва айланма судидан 41 арава ҳужжатлари, сентябрь ойида эса Фарғона вилояти Ички Ишлар бошқармасидан ҳужжатлар қабул қилинди. 1920-1921 йилларда жами 500 та архив рўйхатга олинди. 1921 йил охирига бориб АИМБга 159 ҳарбий ва фуқаролик муассасаларидан 305 мингдан ортиқ ииғмажиллар қабул қилинди, улардан 55 мингтаси ҳарбий секцияга қарашли ҳужжатлар эди.

1922 йилда муассасалардан 200 мингга яқин ҳужжатлар: улардан 83таси фуқаролик, 43таси

М.Эргашева – АнДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси мустақил тадқиқотчиси.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

совет идораларидан, ҳарбий секцияга эса 27716 йиғмажилдлар қабул қилинди [3.19].

Биринчи навбатда энг муҳим архив ҳужжатлари жамланди. 1920 йилда Туркистандаги инқилобий ҳаракатлар тарихини акс эттирувчи ҳужжатларни излаб топиш чоралари кўрилди. Лекин жуда кўплаб ҳужжатлар инқилоб натижасида йўқ бўлиб кетган эди. Баъзи бир ҳужжатлар турли сабабларга кўра ташқарига олиб чиқиб кетилди ва қоғоз танқислиги натижасида қайсиdir ташкилотларнинг хомашёсига айланди [4.61].

Архив ҳужжатларини ташиш учун транспорт ва маблағнинг бўлмагани учун архив ходимларининг ўзлари ҳужжатларни ташидилар, сақлаб қолиш учун кўлдан келган барча чораларни кўрдилар. Бундай қийин даврда кўп архивлар мосланмаган, нам, сақлаш учун шароити бўлмаган, жиҳозланмаган жойларда сақланган. Бу ҳужжатлар АИМБга келтирилиб, тартиб билан рўйхатга олинган.

1920 йил сентябрь ойида Бухорога архив ҳужжатларини жамлаш мақсадида экспедиция юборилди. Унинг таркибига инспектор К.М.Федоров, бош архивариус А.В.Алексеев, архивариус Қосимовлар кириб, бу экспедицияга Д.И.Нечкин раҳбарлик қилди. Экспедиция Бухоро амири саройи харобаларидан кўйган ва йиртилган архив ҳужжатларини аниқлади ва жамлади. Шунингдек, экспедиция Бухородаги Россия сиёсий агентлиги ҳужжатларини АИМБга юборди [2.14-15].

1921 йил 25 январдаги Туркистан АССР Ҳалқ Комиссарлар Советининг “Совет босма нашрларини архивларга жамлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда барча ижтимоий муассасалар, илмий жамоалар ўзлари томонидан чоп этилган типографик, литографик ёхуд бошқа усусларда нашр этилган рисолалар, варақалар, шиорлар, китоблар, баёнлар, докладлар – уч нусхада, ийғилиш, митинг, қурултойлардаги фотосуратлар, сиёсий арбоблар фотосуратлари бир нусхадан АИМБга топшириш мажбурияти юқлатилди [5.1].

1922 йилга бориб АИМБ босма нашрлар секциясида 400 дан ортиқ босма нашрлар ва фотосуратлар жамланди.

АИМБ архив ҳужжатларини жамлаш билан бир қаторда идораларда мавжуд бўлган архивларнинг сақланишини

таъминлаш чораларини ҳам кўрар эди. ЯДАФ таркибидаги архив ҳужжатлари экспертиза қилиниб, доимий сақлаш учун ажратилган ҳужжатлар тартиба солинди ва рўйхатлаштирилди. 1920-1922 йилларда ЯДАФда 150 мингга яқин ҳужжатлар рўйхатга олинган. АИМБ таклифига кўра, Ҳалқ Комиссарлари Кенгashi ва бошқа идоралар архив материалларининг сақланишини таъминлаш чораларини ҳам кўрди.

Туркистанда архив соҳасидаги яна бир муаммолардан бири – бу, архив ҳужжатларининг ноқонуний олди - сотдисидир.

1921 йил 22 июндан Туркистан Фавқулодда Вазиятлар Комиссияси буйруғида таъкидланишича, архив ҳужжатларининг АИМБ ёзма рухсатисиз йўқ қилинишини тақиқлаш ва суд жавобгарлигига тортиш тўғрисидаги Турккомиссиясининг декрети бўлишига қарамай, бозор ва расталарда турли идора, муассасалар архив ҳужжатларининг сотилиши ҳоллари мавжуд бўлган [2.15].

Шундай қонунбузарлик Тошкентдаги Воскресенск бозоридаги 6-дўконда аниқланган. 1925 йил 16 август куни мева сотовчиси СобировFaффорга тегишли дўкондан АИМБ инспекцияси томонидан архив материаллари топилган ва рўйхат тузилган. Рўйхатда 20га яқин ҳужжат қайд қилинган, АИМБга олиб кетилган.

1) Тошкент Интендант кийим-кечак омбори 1911 йиллар ва Петербург кийим-кечак омборидаги мол келиши ҳақидаги ҳужжат;

2) 1905 ва 1906 Бр.Нобель - жамиятининг муҳрсиз ва жилдиз бўлган ҳужжати;

3) 1923 йил 10-Кавалерия Дивизияси санитария бўлими Бошқармасининг буйруқлар китоби рўйхатга олинган, муҳрланган ва тикилган;

4) Кавказ ва Меркурий жамиятларига қарашли молларни текшириш бўйича, Самарқанд божхонасининг ҳужжатлари муҳрланган;

5) 1921 йилга оид ҳисоб китобчasi №318;

6) Воздуха бичув устахонасининг ҳисоб-китоб дафтари;

7) Видов бичув устахонаси ҳисоб-китоб дафтарининг бир бўлаги № 133.

8) озиқ-овқат бўйича Фарғона вилояти комиссариати квитанциялари папкаси ва комиссариатнинг 87 вақағдаги ёзишмаси;

9) 1896 йил Ёритиш жамиятининг 25 вақағдан иборат ҳисоблари;

10) ер-мулк комиссариатининг 28 вақағдан иборат бўлган ёзишмаси;

11). сув хўжалиги бошқармасининг 91 вақағдан иборат пул-чиқариб бериш масаласида квитанциялари ва ёзишмалари;

12) Чорва Бош Бошқармасининг от кўпайтириш бўйича 4та буйруғи;

13) Халқ хўжалиги Марказий кенгаши қошидаги Бюро комиссиясининг 16 вақағдан иборат Суғурта бўйича ёзишма ва жамиятларни бартараф қилиш бўйича ёзишмаси;

14) Воскресенск Суғурта жамиятининг беш вақағдан иборат ёзишмаси;

15) Азов банкининг номига келган телеграмма;

16) Москва Суғурта жамиятининг оловдан ҳимояловчи беш вақағдан иборат ёзишмаси;

17) "Ёрдам" Рус Суғурта жамиятининг ҳисоб вараги;

Юқоридагилар АИМБга олиб кетилиб, саралаш ишлари олиб борилган [6.27].

Юқоридаги ноқонуний ҳолат бўйича АИМБ Тошкент вилоят прокуратурасига хат юбориб, жиноятчиларнинг жазоланишини талаб қилган [7.30].

Архив материаларини АИМБ секцияларга қабул қилиш билан бирга уларни илмий рўйхатга олиш ва тартиблаш амалга оширилди. 1920-1921 йилларда тарихий - инқилобий секцияда-2536, таълим секциясида-8243, ҳарбий секцияда-20935, маъмурий дипломатик секцияда-22 мингдан ортиқ, хукуқий секцияда – 90 мингга яқин ҳужжатлар кўриб чиқилиб, рўйхатга олинди.

Кейинги йилларда архив ҳужжатларини қабул қилиш ва тартиблаш ишлари давом этди. 1923 йил май ойидан 1924 йил май ойигача АИМБга 12905 ҳужжатлар қабул қилинди. 1924 йилнинг май ойига қадар АИМБ актлар сақлаш жойларида 123493 дона ҳужжат ҳажмида 499та фонд рўйхатга олиниб, 107952 ҳужжатлар ҳажмида 114та фонд кўриб чиқилди.

ЎзССР Ревкоми (Инқилобий қўмита)нинг 1924 йил 28 декабрдаги фармойишига кўра ЎзССР МИК Кенгаши ҳузурида ЎзССР АИМБ ташкил этилди.

Кейинчалик Тошкентда тўпланган умумиттифоқ ва Ўрта Осиё аҳамиятига эга фонdlар, РСФСР Марказий Архивининг кўрсатмасига биноан ЎзССР АИМБ юритувига ўтди (ўша асар, 18-22 бетлар).

Ўрта Осиёда миллий ҳудудий чегараланиш ўтказилиши, Туркистон, Бухоро, Хоразм Республикаларининг тугатилиши муносабати билан бу республикалар давлат идоралари архив материалларини қабул қилиш, уларни Самарқандга ташиб бориш ишлари олиб борилди.

Янги ташкилланган ЎзССР АИМБнинг биринчи галдаги вазифаси – ҳудудлаштириш натижасида тугатилган идоралар архивларини қабул қилиш ва сақлашни таъминлаш, шунингдек, янги пойтакт Самарқандга кўчаётган идоралар ҳужжатларини қабул қилишдан иборат эди. 1925 йил январь ойида сақлов бирлигига 50 мингга яқин ҳужжатлар қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, архив ходимлари кам бўлганлиги сабабли давлат архивларида ҳужжатларнинг ярмидан кўпи тартибга солинган эди. Табиийки, бундай ҳолда улардан фойдаланишинг имкони бўлмаган. Шунинг учун давлат ташкилотларининг ўз архивларини тартибга солиб, рўйхат тузиб, уларни давлат архивларига топшириш талаби кўйилди.

Архив материалларини жамлаш кейинги йилларда ҳам давом этди. 1925-1929 йилларда 134та фонд қабул қилинди. 1929 йил охирига келиб, АИМБга 863та фонд жамланиб, ҳужжатлар сони 763.908тага етди. Архив материалларининг умумий сонидан – 40% рўйхатга олинган эди, холос [8.4].

Округ архив бюроларида 1929 йил 1 октябрга келиб, 924 фондда 993495 ҳужжатлари сақланар эди [9.1].

1929 йил 15 январдаги ЎзССР Халқ Комиссарлар Кенгашининг АИМБга тарихий – аҳамиятга эга, фотосурат, кинофильмларни топшириш тўғрисидаги қарор асосида фотокинобўлим ташкил этилиб, бу бўлимга фото ва киноҳужжатларни жамлаш вазифаси юклатилди [2.20].

1932 йил декабрь ойидан бошлаб СССР Боз архивига кино-фоно-фото ҳужжатлар олиб кетилган, натижада, кинофильмлар жамланмади, оқибатда

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Ўзбекистонда 1936 йилга қадар олинган кинофильмлар сақланиб қолмади [10.79].

Совет даври архивларининг кўпайиб бориши натижасида 1930 йил 9 апрелда ЎзССР МИК Президиуми АИМБни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ, округ архив бюролари тугатилиб, уларнинг архив фондлари АИМБ билан бирлаштирилди, инқилобга қадар ва худудлаштиришгача совет даврининг Тошкент ва Хоразм округлари фондлари Тошкент шаҳрига жамланди.

Самарқандда ЎзССРнинг марказий идоралари, Самарқанд, Зарабшон, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё округларининг архив фондлари тўпланди. Фарғонада Қўқон ва Андикон округлари фондлари жамланди.

АИМБ ЎзССР Марказий Архив Бошқармаси, деб аталди (МАБ). МАБ ЎзССР ҳудудидаги ягона ҳужжатли фондлар сақловчиси эканлигини эътиборга олиб, ЎзССР МИК Президиуми унга илмий ва бошқа муассасаларда, шунингдек, хусусий шахсларда мавжуд бўлган тарихий ҳужжатли ва қўлёзма материалларни жамлаш, уларни рўйхатга олиш МАБ олдиаги сақловчиларнинг жавобгарлиги ва сақлаш қоидаларини жорий қилиш, мусодара қилиш, сотиб олиш, ҳужжатлар ийғиши бўйича маҳсус экспедициялар ташкил этишини таклиф қилди.

МАБ қошида ЎзССР Инқилобий Марказий Архиви ва ЎзССР Марказий тарихий архивлар ташкил этилди. Бу архивлар бўлиmlари Фарғона ва Самарқандда ташкил этилди. ЎзССР ЯДАФ секциялари бўлиниши тугатилди. Жойлардаги инқилобгача давр ҳужжатли материалларни жамлаш ЎзССР МДА да олиб борилди ва 1951 йилда тугатилди.

ЎзССР МИК ва ҲҚҚ томонидан 1931 йил 20 майда “ЎзССРда архив ишини ташкил этиш тўғрисида” ги низом тасдиқланди. Унда ЎзССР ЯДАФ таркиби, ЯДАФ ни бошқариш тартиби, архив материалларидан фойдаланиш, давлат архивларига топшириш, ҳужжатларни сақлашга ёки йўқотишга ажратиш тартибини белгилади. Низомга асосан, ЎзССР ЯДАФ таркибида куйидаги архив материаллари киради: Ўрта Осиё хонликларининг фаолияти даври идоралари ҳужжатлари, Туркистон генерал-губернаторлик ва инқилобгача бўлган ҳужжатлар, совет

хукумати, саноат, кооператив, ҳарбий, илмий, диний, маданий-марифий ва бошқа муассасалар, ташкилотлар, идоралар, шахсий архивлар, босма нашрлар (турли тилларда), Ўзбекистон ва Ўрта Осиё тарихи ҳақидаги (китоблар, рисолалар, газеталар, журналлар, шиорлар, варагалар) кино ва фотоҳужжатлар [2.29].

Низом давлат архивларига идоралар, ташкилотлар, ташкил этилгандан сўнг, олдинги 5 йил ўрнига, 10 йил ўтгач, қишлоқ, овул кенгашларига – 3 йил ўтгач архив материалларини, кино, фотоҳужжатларни топшириш мuddатини белгилади.

Низомда ҳужжатларни сақлашга ёки йўқотишга ажратиш идораларнинг ўзида амалга оширилиб, давлат архивлари фақат доимий сақланишга доир ҳужжатлар келиб тушишини белгилади, натижада давлат архивларининг иши енгиллаши.

Касаба уюшмалари ташкилотлари архивлари 1931 йил 20 майдаги низомга мувофиқ, Давлат Архив Фонди таркибида киритилди. Бирламчи касаба уюшмалари фондлари ЎзССР МАБда жамланди. Кейин 1933 йилда маҳсус ЎзССР касаба уюшмалари ҳаракати Марказий архиви ташкил этилиб, унда Туркистон Республикаси касаба уюшмалари, ЎзССР касаба уюшмалари фондлари сақланди. “Қўшчи” иттифоқи ҳужжатлари ҳам шу ерда жамланди. Архив 1942 йилгача мавжуд бўлиб, шу йил яна ЎзССР МАБ билан бирлашди.

1934 йил июль ойида СССР МИК котибияти томонидан фармойиш қабул қилинниб, МАБ таркибида ЎзССР Марказий Ҳарбий архив ташкил этилди. Унда Туркистон ҳарбий округининг инқилобгача ва Совет даври архив фондлари жамланди.

Қишлоқ ҳўялигини жамоалашибди, колхоз, совхоз ва МТСларнинг ташкил этилиши натижасида қуий давлат архивларига эҳтиёж пайдо бўлди.

1934 йил декабрь ойида РСФСР хукумати район архивларини ташкил этишга қарор қилди. Натижада район архивлари ташкил этилди. Шаҳар архивлари бевосита ЎзССР МАБ га бўйсунар эди. Район архивлари округ архивларига бўйсуниши белгиланди. Бу даврда ЎзССР МАБ ва унинг маҳаллий органлари район архивларини ҳар ёқлама ташкилланиши ва мустаҳкамланишига керакли эътиборни қаратмади.

Шунинг оқибатида, кишлоқ кенгашлари, район ижрокомлари, дастлабки колхоз, совхоз ва МТСларнинг ҳужжатлари яхши сақланмаган ёки баъзилари сақланиб қолмаган.

Маълумки, НКВД деб номланган ташкилот 30-йилларда қатағонлар ўтказди. Унинг роли ва аҳамиятининг ортиб кетиши ва архив ҳужжатлари бу ташкилотга кўпроқ керак бўлгани боис, 1938 йилдан ЎзССР МАБ ни барча республика архив тизими билан ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1939 йил 15 майдаги ЎзССР ИИҲК (НКВД) буйруғи билан ЎзССР ИИҲК (НКВД) бошқарувига ўтди.

1940 йил 21 июлда ЎзССР ҲҚКнинг “ЎзССР Архив органларининг қайта тузилиши тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. ЎзССР МАБ ЎзССР ИИҲК Архив бўлимига, ҚҚАССР МАБ – ҚҚАССР ИИҲК архив бўлимига ва ҚҚАССР Давлат Архивига, Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоят архив бошқармалари – ЎзССР вилоят ИИҲК архив бўлимлари ва вилоят давлат архивларига айлантирилди. Вилоят давлат архивларига архив материалларини жамлаш, сақлаш ва идора, муассаса, ташкилотлар, совхоз, колхоз, МТСларда иш юритувида ҳужжатларнинг олиб борилиши устидан назорат юклатилган эди.

1942 йил ноябрда Тошкентда СССР ИИҲК ДАБ томонидан ташкил этилган Қозогистон ва Ўрта Осиё республикалари ИИҲК давлат архивлари бошлиқларининг кенгashi ўтказилди. Кенгашда қуидагилар таъкидланди: ғарбий вилоятлардан эвакуация қилинган давлат архивлари

хужжат материалларини сақлашни таъминлашда яхши натижаларга эришилгани, шу билан бирга, муассаса архивлари ҳужжатларини жамлашни кучайтириш, агар улар йўқолиш хавфида бўлса, муддатидан илгари жамлаш, ҳужжат материалларидан мудофааани мустаҳкамлаш, халқ ҳўжалиги эҳтиёжларида фойдаланиш чораларини кўришга чақирди [11.15].

Бу даврда архив ходимлари ҳужжатларни эҳтиёт қилиш мақсадида ташкилотлар архивларини тартибга солиш ва уларни давлат архивларига қабул қилишга алоҳида эътибор бердилар. 1941-1942 йилларда республика давлат архивларига 0,5(ярим) миллион сақлов бирлигига ҳужжатлар қабул қилинди. Лекин кейинги йилларда ҳужжатларни давлат архивига қабул қилиш камайди. Ҳужжатларни сақлашга жой етишмас эди. 1944-1945 йилларда давлат архивларига бор-йўғи 48 минг сақлов бирлиги қабул қилинди. Кино-фото-феноҳужжатлар марказий давлат архиви 1944-1945 йилларда 15 мингдан ортиқ фотоҳужжатлар қабул қилди.

Уруш шароитида марказий ва маҳаллий архивлар тартибга солинмаган, фақат фронтга жўнатилган ҳарбий қисмлар ҳужжатларини қабул қилишга мажбур эдилар [12.20].

Шундай қилиб, 1919-1945 йилларда архив соҳасида бир қанча муаммолар, сиёсий аралашувлар бўлишига қарамай, давлат ва маҳаллий архивларга ҳужжатларни қабул қилиш борасида бир қанча самарали ишлар амалга оширилди.

Адабиётлар:

1. ЎзР Марказий Давлат Архиви, 17-ф.0-1.р.- 210.й.ж., 88-в.
2. Алимов И.А., Мирзабаев А.А., отв.ред. Вайс М.Л. Справочник по архивному делу в Узбекистане (1918-1968гг). – Т., 1970.
3. ЎзР МДА, 399.ф.0-1-р.- 223.й.ж., 19.в.
4. Мяскова А. История партийных Архивов Узбекистана (1918-1920г) – Т., 1984.
5. ЎзР МДА, 399-ф.0-1.р.- 32.й.ж., 1.в.
6. ЎзР МДА, 400-ф.0-1.р.- 50.й.ж., 27.в.
7. ЎзР МДА, 400-ф.0-1.р.- 50.й.ж., 30.в.
8. ЎзР МДА, 400-ф.0-1.р.- 261.й.ж., 4.в.
9. ЎзР МДА, 400-ф.0-1.р.- 268.й.ж., 1.в.
10. Исакова М. Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. – Т., 2012.
11. Алимов И.А. Архившунослик. Ўқув кўлланма. – Андижон, 2005.
12. Алимов И.А. Архившунослик. Ўқув кўлланма. – Андижон, 2015.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).